

202 йил « » дагы  
-сон шартномага  
ИЛОВА

## **Фойдаланишга қабул қилингандай газдан фойдаланыш ускуналары**

Фаолият тури: \_\_\_\_\_

**Кадастр №**

23 15 18 01 01 0370

**Табий газ тарифи** **сум** **тыйник**

## Келишилган:





HUDUDGAZTA'MINOT  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва кабул килиш  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 14 "декабрь"

05/12-003 он

Кун сирот

(изаренча тузилган доік)

Низом асосида фаолият юритувчи Худуд газта'минот республикасының  
хөкүмегине қошаласын орталади  
(кейинги урнеларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Б. Галиев

бид  
томондан хамда Низом ва 2022 йил 5 "декабрь" да берилган 03-19-03/193 сонли  
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Кун сирот ҲХ-сайын"  
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги урнеларда "Етказиб берувчи" деб аталади).  
раҳбари Н. Абдисабиров иккинчи томондан, куйидагилар тұғрисида  
мазкур шартномани туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи үз зиммасига газ тармоклари оркали Истеъмолчининг  
келишилган буюртманомаси буйича табиий газ (кейинларда газ деб аталади)  
етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса үз зиммасига ушбу шартноманинг  
1.4-бандида күрсатылған хажмда газни кабул килиш мажбуриятини олади хамда  
тұловларни белгиланған нарх буйича үз мұлдаттада амалға оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига  
мұвофик, газдан фойдаланыш учун стандартлаштырылған вәжіптерге зерттеу  
курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги урнеларда  
хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бұлғанда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланған мейерларга (Табиий газдан  
фойдаланыш кондадарининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқарладын маҳсулотта (ёки  
күрсатылаёттан хизмат) нисбетан келгуси йилда газга асосланған әхтиёжни тақдим  
этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол  
килиниши тахмин килинаёттан газ хажми буйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилған буюртма буйича етказиб бериладын  
газ хажми техник шарттарда белгиланған босым ва хажмда 2022 йилда  
куб.м, нархы 3.998 940 мінг сүмни ташкил килади, жумладан чораклар ва ойлар  
буйича куйидагина таксиланади:

I чорак	<u>6059</u>	минг.м3.	январь	<u>2272</u>	февраль	<u>2272</u>	март	<u>1515</u>
II чорак			апрель		май		июнь	
III чорак			июль		август		сентябрь	
IV чорак			октябрь		ноябрь		декабрь	

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тұлғык ҳажмда күрсатиш учун магистрал ва газ таксимоти гармоқларининг ишлаши издан чикқан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий ахамияттаға зәғ Истеъмолчиларга 20\_\_йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил килади:

I чорак 6059 минг куб.м. январь 2272, февраль 2272, март 1515

II чорак минг куб.м. апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_

III чорак минг куб.м. июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_

IV чорак минг куб.м. октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича булинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда таксимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни таксимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида кайта кўриб чикиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун күрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ микдори деб ҳисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда хамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик мөъёри доирасида газ қабул килиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидә газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўгрисида барча усууллар орқали Истеъмолчини хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон раками:

Тумончикулоси 11-наб 61 312-12-51

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қискартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ кувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва ахоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш максадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огохлантирган ҳолда газ етказиб беринин чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш хукукига зәғ. Истеъмолчи эса захира ёкилни туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-кабул килиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёкилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофик захира ёкилғига ўзиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармокларӣ ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирлағиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келған ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармокларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофик амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тӯлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъмол килиш режимиning ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб. табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоклари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлиниши нуткаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлиқ миқдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигинин мөъёрий-хукуқий хужжатлари талабларига мувофик газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли коидалар ва мөъёларга мувофик амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишиллади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ

истемолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёқилғи ва энергия. Хисобга қўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий кисмларини) “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайтиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (киёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсири қиласидаган қисмларига Истеъмолчи иштироқида ўрнатади ва тегишили далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутилийга Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркиби қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофик Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмагандан, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноконуний байпас линиялари уланганда) охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олинниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамғаларнинг бутилиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вактда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиний газни истеъмол килиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол килинган табиний газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортича бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми, хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъерий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб килиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатидиган асбоб-ускуналарни ишлаш графикини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(О'з DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тұловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиллик мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 күн олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 күн олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаши асосида ҳисоб-китоб қилиш тўгрисида Етказиб берувчига билдириги тартибида мурожаат килишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 күн олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол килинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиритгача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол килинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойн тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда аванс тарзида тўланган маблаглар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Иsteъmolchidan шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, киска тулашув ва х.к)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол килинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ куввати буйича ҳисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истельмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари Истельмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истельмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пея тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истельмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзib олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истельмол килишини хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мъёсрлар бўйича хисоб-китоб киладиган истельмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истельмолчилар томонидан табиий газ истельмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш оркали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан истельмолчига электрон хисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истельмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳақонийлигини таъминлаш учун хисбот даврида газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси Истельмолчидан куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисбот даври учун олинган (кучирма) архив маълумотлари;

б) Истельмолчига тақдим этиладиган, Истельмолчининг бўлинниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолаттноманинг мавжудлиги; Бунда Истельмолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истельмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истельмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктиримасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериши ва қабул килиш далолатномасини қабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани қабул киласи.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истельмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолаттноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим киласи. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибида кўриб чикилиши керак.

4.17. Истельмолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибида амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истельмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги түликтук кувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истеъмол қилинган газ учун тұлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сұнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табии газнинг аванс тарикасыда тұланган ҳажми учун тұлов кунидан бошлаб күпі билан кейинги 1 ой құшимча тұлов тұлашдан озод қилинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод килмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунинг қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл кўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тұловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига қасдан заар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тұсқынлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат килиш;
- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равища газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошқа коидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланғанди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг учирилиши натижасида етказилган моддий заар ёки бой берилген фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокқа кайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истельмолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади. Шартномалинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истельмолини хисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ) ларига уланган истельмолчиларни масофадан кайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7.1. Етказиб берувчи кўйидагиларга мажбур:

- ўзига карашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни уз хисобидан тъмирилаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш кискарған ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истельмолчиларни хабардор килиш;

- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнинда ўзида сакланишини тъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ тъминотини кўшимча огоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истельмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳукукни муҳофаза килиш органларини хабардор килиш;

- Истельмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истельмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овкат тайёrlаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- исисик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидаги алмаштириш;

- Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи кўйидаги ҳукуқларга эга:

- техник заруратга күра, Истельмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табий газни етказиб беришни қысқартириш ёки тұхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланғанда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб қойиши;
- Истельмолчилардан табий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоғ этишни талағ қилиш;
- табий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувоғиқ бир томонлама воз кечиши;
- газ тармоқларидан авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикитириб бұлмайдиган чораларни күриш зарурати юзага келганды, Истельмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмаңдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табий газни етказиб беришни тұхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилған ҳолатларда, аниқланған қоидабузарліктер бартараф этилгүніга қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тұхтатиш.
- табий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

### 7.3. Истельмолчи қуидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табий газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
- газдан оқилюна ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;
- газ тармоқларida ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келганд табий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ӯзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувоғиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазспекция" ходимларининг (тегишили гувоҳнома кўрсатилиган тақдирда) табий газни истельмол қилишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳукуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табий газ истельмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишланига тұсқинлик кильувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилған тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоги булиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувоғик бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатиши.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлик етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда коплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун қўйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг“Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киши даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиди қўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул килиш ёки унинг учун ҳак тўлашини рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ хажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб килиш хукукига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани кайтаришни талаб қилиш хукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда. Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

## **IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошقا вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига қатъий риоя қиласди.

## **X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага қўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2.Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзgartаришга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган холатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

### 11.1. Томонлар:

а) табии оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чикариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганды, шунингдек енгіб бұлмас күчлар туфайли содир бұлған табии оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкіні, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат карорига асосан тарафлар шартнома бүйіча үз мажбуриятлари бажариш имкони бұлмай қолғанда жавобгарлықка жалб этилмасдан, газ етказиб берішни тұхтатиши, қысқартириш ёки муносабтларни тұхтатиши хуқуқига зә бұладайлар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси өрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, күрсатылған ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сакланиб тұрса, томонлар музокаралар йүли билан шартноманы келгусида бажариш тұғрисидеги карор кабул қиласыладар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага үзгартыриш ва құшимчалар ёзма равішда расмийлаштырилши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкilotлари учун шартнома Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидеги ПҚ-594-сон қарорига асосан Газначилик бүліми томонидан мажбурий тартибда рұйхатдан үтказылған кундан бошлаб кучга кирады.

12.3. Шартнома ~~2022~~ 2022 йил 31 декабргача бұлған муддатта тузилған. Шартноманинг муддаты тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартноманы бекор қилиш тұғрисида талаб билан мурожаат күлмаган бұлса, шартнома кейинги йилга узайтирилған хисобланади.

Бюджет ташкilotлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддаты тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартноманы бекор қилиш тұғрисида талаб билан мурожаат күлмаган бұлса, шартнома кейинги йилга узайтирилған хисобланади. Бюджетдан маблаг олувшылар ҳар йили “\_\_\_\_\_” йил 31 декабр санағига” амал килишлары лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бүйіча дағылары дағво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида күриб чиқылади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

13.1. Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндарғи “Табии газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштырыш бүйіча құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ғи № 6010-сон Фармони қабуза қилиниши муносабаты билан Табии газни улгуржи истеммолчиларға етказиб беріш жараённанда Узбекистон Республикасы Баш прокуратурасы хузурилдагы Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бұлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун иккі нұсхада тузилған, иккала нұсхаси ҳам бир хил юридик күчгә зә.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<b>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»</b> <b>«Худудгаз Коракалпогистон»</b>	<b>“ИСТЕММОЛЧИ”</b> <i>Жамоат подати Кодик бюджетни көмекесиу орын</i>
<p>Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри. Бердах гузари №179</p> <p>КТУТ коди _____</p> <p>ХХТУТ 35220</p> <p>Бюджет телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43 312 - 22 - 85</p> <p>x/r: 22634000205113960484</p> <p>Банк номи: «Узсаноатқурилиш банк Рахат филиали»</p> <p>МФО: 00435</p> <p>ИНН: 306605769</p> <p>Х/Р _____</p> <p>Рахбар: <u>Х.Айманов</u> (Ф.И.Ш.)</p> 	<p>(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)</p> <p>Почта манзил: <u>Джумарис к/112</u></p> <p>ОКПО коди 14921933</p> <p>ОКЭД 84130</p> <p>Мулокот телефони 61 312 - 12 - 51</p> <p>Фax/x <u>23402000300100001010</u></p> <p>Банк номи: Центр банк Филиал</p> <p>МФО 00014</p> <p>ИНН 200383380</p> <p>ш/х 100022860352157109120147001</p> <p>x/r _____</p> <p>(разначилик булинмаси номи) Рахбар: <u>Б. Гусинов</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имяси: <u>Дж.</u></p> <p>Мухр урни</p>  

Юридик маслаҳатчи хуносиги:

Б. Нарбай Улугбек  
(Ф.И.Ш.)

(имя, мухр)

(сигн.)